

АКБАРОВ Лукмон Абдумаликович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
магистранти

ИЛК ИСЛОМ ДАВРИДА ИСЛОМ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

ТЕНДЕНЦИИ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ПРИНЦИПОВ ИСЛАМСКОГО МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА В РАННИЙ ИСЛАМСКИЙ ПЕРИОД

THE FORMATION AND DEVELOPMENT TENDENCIES OF THE PRINCIPLES OF ISLAMIC INTERNATIONAL LAW IN THE EARLY ISLAMIC PERIOD

Аннотация: Мақолада ислом халқаро ҳуқуқи бўлган “сияр” тармоғининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берилган. Хусусан, мусулмонлар ва ғайридинлар ўртасида тузилган уруш ва тинчлик шартномалари, уруш олиб боришда амал қилиш керак бўлган инсонпарварлик тамойиллари, ўзга давлатларга элчилар юбориш тартиби, мусулмонлар диёрида яшовчи ўзга дин вакиллариининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир фикҳий қоидалар сияр илми орқали ўрганилган.

Калит сўзлар: фикҳ, ақида, сияр, халқаро муносабатлар, ислом халқаро ҳуқуқи, сунна, мазҳаб.

Аннотация: В статье описывается становление, развитие и отличительные особенности сети «сияр», представляющей собой исламское международное право. Были изучены с помощью науки сияр, в частности, соглашения о войне и мире, заключенные между мусульманами и немусульманами, принципы гуманизма, которых следует придерживаться при ведении войны, порядок направления послов в другие страны, нормы фикха о правах и обязанностях представителей других религий, проживающих на мусульманской земле.

Ключевые слова: фикх, вероучение, сияр, международные отношения, исламское международное право, сунна, мазҳаб.

Annotation: The article provides information on the formation and development of the “Siyar” branch, which is Islamic international law, and its specific features. In particular, rules of jurisprudence on the treaties of war and peace between Muslims and non-Muslims, the humanitarian principles to be followed in waging war, the procedure for sending ambassadors to other countries, the rights and obligations of representatives of other religions living in Muslim lands were studied through Siyar science.

Keywords: fiqh, creed, siyar, international relations, international islamic law, sunnah, madhhab.

КИРИШ

Илк ўрта асрларда Мадинада мусулмон давлатчилигининг ташкил топиши ҳамда кейинчалик улкан ҳудудларга ёйилиши ва бу жараёнда турли мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш зарурати мусулмонлар томонидан халқаро муносабатлар фикҳига доир қоидаларни тизимлаштиришни талаб этарди. Халқаро муносабатларга доир фикҳий ҳукмлар бўйича асарларнинг вужудга келишида халифаликдаги сиёсий вазиятларнинг турлича тус олиши ҳамда мусулмонлар томонидан олиб борилган фатҳларнинг таъсири катта бўлган. Фақиҳлар бу мавзуга бағишлаб алоҳида асарлар ёзиб, халқаро ҳуқуқнинг қоидалари ва аҳкомларини батафсил ёритишга ҳаракат қилдилар.

Хусусан, сийрат илми билан шуғулланган олимлар ҳамда муҳаддислар ўз услубларидан келиб чиққан ҳолда бу соҳага алоҳида эътибор қаратдилар. Айнан шу паллада мусулмон оламида халқаро муносабатлар бўйича асарлар ёзила бошланди.

Сийрат илми бўйича ёзилган асарларда ислом динининг инсонпарварлик ғояларини очиқ беришга, унинг фалсафаси, илмий асосларини тадқиқ этишга, инсон қалбида имон-эътиқодни мустаҳкамлашдаги ролини кўрсатиб беришга, унинг моҳияти, ақидасини тўғри талқин қилишга ҳам аҳамият берганлар. Бу эса, бугунги кунда динлараро ҳамжиҳатликни сақлаш, жамиятда тинчликни барқарор қилишда долзарб аҳамият касб этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ислом ҳуқуқшунослигида халқаро ҳуқуқ «сияр» атамаси билан юритилади. Лингвистик-этимологик нуқтаи назардан «сияр» – «сийрат (сийра)» сўзининг кўплик шакли бўлиб, Куръони каримнинг 6 та сурасида келади ва «кўчиш»,

«ҳаракатланиш» маъноларида қўлланилади. Шунингдек, «сияр» билан ўзакдош сўзлар муқаддас китобда 27 марта қайд этилади. Яъни, Куръони каримда «сияр» ўзининг асл юридик маъносида келмаган ёки Пайғамбар (с.а.в.) даврида бу термин ҳали юридик мазмун касб этиб улгурмаган эди [1:36].

«Сияр»нинг яна бир бошқа луғавий маънолари «таржимаи ҳол», «ҳаёт йўли», «яшаш тарзи» маъносини англатиб, «усул», «услуб», «йул» сўзлари билан маънодошир. Мазкур сўзнинг бирликдаги «сийрат» («таржимаи ҳоли») ва кўplikдаги («сияр») шакллари дастлабки пайтларда бир хил маънода, кейинчалик бошқа-бошқа маноларда ишлатила бошлаган. Ўзбекистон халқаро ислом академияси тадқиқотчиси А.Тўйчибоев фикрига кўра, Ҳижрий иккинчи асрнинг биринчи чорагидан бошлаб Пайғамбар (с. а. в.) таржимаи ҳолига нисбатан «сийрат», мусулмонлар ва мусулмон бўлмаган давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи фикр соҳасига нисбатан эса «сияр» истилоҳи ишлатилгани кузатилади [2:120].

Ҳуқуқшунослар «сияр»нинг маъносини аста-секин қуйидагича шакллантирганлар: сияр бир давлатнинг бошқа давлат ва жамоалар билан алоқаларидаги ҳуқ-атвори ва ҳаракат қоидаларидир. Дастлабки пайтларда юристлар сиярни ёки жиҳод тушунчаси билан ёки урушлар, ҳарбий юриш (мағозий), уруш ўлжаси (ғанима), диндан қайтиш (ридда), хавфсизлик кафолати (аман) каби тушунчалар билан боғлиқ тарздагина талқин этишган. Сиярга берилган таърифларнинг барчаси уруш ҳуқуқи билан узвий алоқадорликда ифода этилган. Ҳатто, кейинчалик яшаб ўтган ҳуқуқшуносларнинг асарларида ҳам сияр ҳақида гап кетганда уруш масаласига мойиллик руҳи сезилаб туради. Масалан, ҳамюртимиз ҳанафий ҳуқуқшунос Абу Бакр Косоний (ваф. 587/1191 й.) сиярга шундай таъриф беради: «(Урушда) жангчиларни бошқариш усуллари ва йўллари, уларга (ва бошқаларга) нима буюрилган, нима мумкин эмаслигини белгиловчи (яъни, улар ва бошқалар учун) мажбурий қоидалар».

Сиярнинг юридик маънодаги қўлланилиши Абу Ханифанинг Куфадаги сабоқлари ва маърузаларида учрайди. Сиярнинг юридик маънодаги таърифи эса биринчи бўлиб XI асрда яшаган буюк аллома ватандошимиз Абу Бакр Шамсул Аимма Сарахсий томонидан «ал-Мабсут» асарида берилган. Мазкур таъриф

барча мусулмон ҳуқуқшунослар томонидан бирдек эътироф қилинади ва истифода этилади.

Бугунги кун ислом ҳуқуқшунос олимлари томонидан сиярга берилган таърифлар ҳам мумтоз таърифлардан деярли фарқ қилмайди. Уларнинг базилари халқаро ҳуқуқнинг ислом араб доктринаси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган. Мусулмон фақиҳлари сиярнинг субъектлари сифатида давлатлар, ташкилотлар, шахслар, динларни кўрсатишади.

Туркиялик машҳур исломшунос Муҳаммад Ҳамидуллонинг фикрича, ислом халқаро ҳуқуқи «Мамлакатда амалда бўлган қонун ва анъаналарнинг бир қисми бўлиб, бошқа шахс ёки давлат билан амалий муносабатга киришган чоғида мусулмон киши амалда, давлат эса юридик жиҳатдан риоя қилиши лозим бўлган шартномавий мажбуриятлардан иборат» [4:108].

Америкалик исломшунос М.Ҳаддурийнинг таъкидлашича, «халқаро ҳуқуқ» тушунчаси «ислом халқларининг бошқа халқлар билан муомалада бўлишига оид қоида ва усулларнинг умумий мажмуидир» [5:54].

Немис олими Ханс Круз ислом халқаро ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар мазмуни ва улар каерда воқе бўлишига қараб сиярни икки қисм – ислом халқаро ҳуқуқи ва мусулмон халқаро ҳуқуқига ажратиб ўрганишни таклиф қилган. Бу ерда мусулмон халқаро ҳуқуқи деганда Круз мусулмон давлатларининг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ислом ҳуқуқи нормаларини назарда тутди. Сияр тартибидаги соф халқаро ҳуқуқий кўринишдаги нормалар тизими эса, унинг фикрича, ислом халқаро ҳуқуқини ташкил этади. Унинг қарашлари кейинчалик бир қатор ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланган эди. Моҳид Ҳишом фикрича, «Сияр» арабча «сирах» сўзининг кўplik шакли бўлиб, «ҳуқ-атвор» маъносини англатади. У хоҳ давлатлар, хоҳ индивидлар даражасида бўлсин, мусулмонларнинг хоҳ давлатлар, хоҳ индивидлар миқёсида, бошқа мусулмон бўлмаганлар билан алоқаларида риоя этилиши лозим бўлган қоидаларни белгилаб берувчи ислом ҳуқуқининг алоҳида соҳасидир.

Мазкур таърифларда сиярнинг халқаро ҳуқуқ сифатидаги барча қирралари кўзга ташланади. У сиёсий ҳокимиятлар (давлатлар) ва айна пайтда, индивидлар орасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ

сифатида ҳам намоён бўлади. Сияр бошқалар қабул қилиши ёки рад этишидан катъий назар мусулмонлар учун мажбурий қоидалар сифатида эътироф этилган. Сулҳ шартномаларига эса шартномаларга сўзсиз риоя этиш (*Pacta sunt servanda*) тамойили ва ўзаролик принципи асосида риоя этилган [6:37].

Шунингдек, юқоридаги таърифларда сияр уруш ва тинчлик ҳолатида мусулмон ҳукмдорларнинг, ғайридинларга, жумладан, динсизлар ва қўзғолончиларга нисбатан муносабати ва ҳулқ-атворини белгиловчи қоидалар сифатида ҳам тавсиф этилади. Шу боис, халқаро ҳуқуққа бағишланган китобларнинг ҳаммаси «Китаб ас-сияр» номи билан юритилган. Суннийлик оқимиға мансуб барча мазҳаб вакиллари мазкур атамани шу маънода қабул қилишган, фақат хорижийлар оқимининг вакиллари уни «Китаб ал-димаъ», яъни «Қон тўкиш китоби» тарзида баён қилишган (хорижийлик оқими кейинчалик йўқ бўлиб кетган бўлса-да, мазкур китобнинг айрим қисмлари бизгача етиб келган).

Сиярнинг ҳуқуқ соҳаси сифатида пайдо бўлиши билан унинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи ислом халқаро ҳуқуқ таълимоти ҳам бўй кўрсатди. Халқаро ҳуқуққа оид дастлабки асарлар Қуръони карим ва асосан, Пайғамбар (с.а.в.) суннатлари, унинг ҳаётий тажрибасига таянган ҳолда яратилган ҳамда ислом халқаро ҳуқуқининг доктринал манбаси сифатида эътироф этилган. Луғавий маънодаги «сийрат (сийраҳ)», яъни «таржимаи ҳол» маъноси шундан келиб чиққан бўлиши мумкин, яъни Пайғамбарнинг давлат раҳбари сифатида ташқи алоқалардаги амалий фаолияти ислом халқаро ҳуқуқининг дастлабки манбаси бўлиб хизмат қилган.

Жумладан, имом Сарахсий ўзининг бошқа бир асари - «Муҳит» китобида сиярни уруш ҳолатларида Пайғамбарнинг ҳулқ-атвори маъносида қўллайди. Шу тариқа сиярнинг моддий ва формал манбалари шакллана бошлаган ва «Китаб ас-сияр» аста-секин мусулмон ҳукмдорларининг қўлланмасига айланиб борган. Бобурийларининг асосий қўлланмаси «Фатовои Оламғирия»да ҳам сиярга оид алоҳида боб ўрин олган.

Бугунги кунда сияр илмиға хос бўлган қуйидаги жиҳатларни назарда тутиш лозим:

Ислом халқаро ҳуқуқи ислом ҳуқуқининг “сияр” деб аталган тармоғи сифатида намоён бўлади. *Сияр* нафақат тарихий ҳуқуқий тизим,

балки бугунги кунда ҳам жаҳондаги мавжуд мусулмон мамлакатларини ҳуқуқий тизимининг бир қисми.

Диний манбаларға асосланганлиги. Доктор Усмон Жумъа Зумайрия ўзининг «Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг фикҳида халқаро муносабатлар асослари» номли докторлик диссертациясига хулоса қилар экан, жумладан, Ислом халқаро ҳуқуқи, яъни *сияр* илми фикҳнинг бир қисми бўлиб, ваҳийға асослангани ва унинг ҳукмлари ахлоқ ва ақида билан боғланиб кетганлиги ҳамда шу нарса «фармон ва ижро»ға асос бўлишини таъкидлайди [17]. Ислом халқаро ҳуқуқининг бу хоссаси ўзининг ижобий жиҳатиға эга. Жумладан, М. Дасуқийға кўра, “Исломда халқаро муносабатлар асослари ақида билан боғлиқ ва шу сабабли унга нисбатан давлатнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам эҳтироми юксак” [7:341].

Турли динларға эътиқод қилувчи аҳоли гуруҳларининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солган ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқнинг айнан прототипи эмас [7:85]. Улар ўртасида айрим ўхшаш жиҳатларғина мавжуд. Шу жиҳатдан Лондондаги Брунел университети профессори Жавойид Раҳмоннинг фикрларида ҳам жон бор. Ж. Раҳмон ҳам ислом халқаро ҳуқуқи – *сияр* ҳақида тўхталсада, унинг бу маънода ғарбдаги халқаро ҳуқуқдан мутлақо фарқ қилиши ва мустақил фан бўлишға лойиқлигини қўшиб қўяди [18]. Унинг фикрича ҳам *сияр* ислом ҳуқуқининг таркибий қисми ҳисобланади.

Сияр илми билан шуғулланган олимларнинг таъкидлашича, халқаро муносабатларға доир ислом қоидалари замонавий халқаро ҳуқуқдан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Ислом халқаро муносабатларига доир асосий қоидалари инсоният томонидан ишлаб чиқилган ва вазиятға қараб ўзгартириш ёки бекор қилиш мумкин бўлган қонунлар сирасига кирмайди. Сабаби исломда халқаро муносабатларға доир қоидаларнинг дастлабки манбаси сифатида, шубҳасиз, Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар эътироф этилади. Шунингдек, халифалар тузган шартномалар, қўшин амирларига юборилган буйруқлар ва тавсиялар ҳамда фақиҳларнинг ижмоси ҳам халқаро муносабатларға доир қоидаларни тўлдириб турувчи манбалардир. Шу жиҳатдан замон ва макондан келиб чиқиб, Қуръон ва ҳадисда кўрсатилмаган масалаларда муайян ўзгаришларни қабул қилади.

Ислом халқаро ҳуқуқига доир қоидалар замонавий халқаро ҳуқуқда топилмайдиган баъзи хусусиятларга эга. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги халқаро нормалар бир гуруҳ мустақил давлатларнинг уруш ва тинчлик ҳолатларидаги ўзаро алоқаларини тизимга солувчи қоидалар мажмуаси бўлиб, ҳудудий характерга эга. Яъни давлат фақат ўз ҳудуди ва ундаги ер ости ва усти бойликларига эгалик қила олади, унда бошқа давлатларнинг ҳудудини тасарруф қилиш ҳуқуқи йўқ. Бу тушунча ислом шариатида ўзгача. Ислом халқаро ҳуқуқига доир қоидалар ҳудудий жиҳатга эмас, балки кўпроқ инсоний жиҳатга эътибор қаратади [8:382]. Яъни мусулмонлар ва ўзга дин вакиллари истиқомат қилувчи ҳудудлар сифатида қоидаларни татбиқ этади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, сияр, яъни ислом халқаро ҳуқуқи фикҳнинг таркибий қисми бўлиши билан бирга ўз даврининг талаби ҳам эди. Бу даврда халифалар ҳам фикҳнинг ушбу соҳасининг юзага келишидан манфаатдор эдилар. Масалан, Машхур халифа Ҳорун Рашид Абу Ҳанифанинг шогирди Абу Юсуфдан давлат амал қилиши учун халқаро молиявий муносабатларга оид фикҳий қоидаларни ишлаб чиқишни сўрайди. Абу Юсуф халифанинг илтимосини инобатга олиб ўзининг машхур “Хирож” китобини битади. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ҳам ўзининг “ас-Сияр ал-кабир” асарини битиши билан уни дарҳол халифа ҳузурига келтиради ва Ҳорун Рашид бу китобни юқори баҳолаб, ҳатто фарзандларига уни ўрганишни буюради.

Ислом уламолари томонидан таснифланган халқаро ҳуқуқ қоидалари ўзида ахлоқ нормаларини ҳам қамраб олгани билан ажралиб туради. Ўз навбатида исломдаги мазкур қоидалар замонавий халқаро муносабатларга ҳам ўзига хос таъсир кўрсатган.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР:

1. Юнусов Ҳ.М. Ислом ва халқаро ҳуқуқ. Ислом халқаро ҳуқуқ таълимоти: Сарахсийнинг халқаро-ҳуқуқий қарашлари. Монография / Масъул муҳаррир академик А.Х. Саидов. – Тошкент: “Lesson press”, 2022. – Б. 36.
2. Тўйчибаев А. Ислом халқаро ҳуқуқининг келиб чиқиши ва ривожланиши. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. №3. – Тошкент, 2012. – Б. 120-124;
3. Ал-Муъжам ал-Васит (араб тилининг изоҳли лугати) . – Қоҳира: Мактаба аш-Шуруқ ад-дувалия, 2004. – Б. 410.
4. Муҳаммад Ҳамидуллоҳ. Давлатул ислам вал Олам. – Искандария: Маншаъат ал-маъориф, (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 108-109.
5. Мажид Хаддурий. Ал-Қонун ад-Дували: Китаб ас-Сияр аш-Шайбоний. – Байрут: Ад-Дор ал-муттаҳида, 1975. – Б. 54.
6. Шокирова З. Илк исломда сулҳпарварлик тамойилларининг тарихий-қийсий таҳлили. Тар.фан.ном.дисс.иши. – Тошкент, 2012, – Б. 37;
7. Дасуқий М. Ал-Имам Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний ва асаруҳу фил фикҳил ислам. – Доҳа: Дор ассақофа, 1987. – Б.341.
8. Сулаймон Тамовий. Ас-султот ас-салас фи ад-дасатир ал-арабия ал-муъасира фи ал-фикр ал-ислабий, Қоҳира, Дар ал-Фикр, 1996. – Б. 382
9. Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий. Шарҳ ас-сияр ал-кабир. Биринчи қисм. – Байрут: “Дор ал-кутуб ал-илмийя”, 1997.– 260 б.
10. Афифи Муҳаммад Содик. Исломда халқаро муносабатлар. Қоҳира, Мактабатул Хонжий, 1977. 220 б.
11. Мустафо Аҳмад Зарко. Ал-мадҳал ал-фихкий ал-ом. Ж.1. – Дамашк: Муассаса ар-рисала, 1972. 440 б.
12. Сюкияйнен Л.Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики.–М.: «Наука», 1986.–256 с.
13. Ибрагимова Н. VII-XII асрлар ислом тарихига оид манбаларда Мовароуннахр ва Яқин Шарқ элчилик алоқалари. Тарих.фан.ном.бўй.фал.док. дисс...Автореф. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2019. – 57 б.
14. Зоҳидов Қ. Илк ислом давлатчилиги ва унинг шаклланиш жараёнлар (632-661). Тарих фан. ном. ...дисс. – Тошкент: ТИУ, 2004. – 276 б.
15. Жузжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2002. – 256 б.
16. Халқаро гуманитар ҳуқуқ: Женева конвенциялари тўплами /Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. – Тошкент : Адолат, 2002. – 440 б.
17. <http://www.islamtoday.net/questions/show/ResearchScholar/content.cfm/Res/ID/297&Sch/ID/56>
18. http://www.ukcle.ac.uk/research/projects/Islamic_International_Law.html